

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАТОВ АМОНКЕЛДИ ҲАСАНОВИЧ

БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ (XX АСР)

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Ахматов Амонкелди Ҳасанович

Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср)..... 5

Ахматов Амонкелди Ҳасанович

История литературной среды Бухары (XX век).....27

Akhmatov Amonkeldi Hasanovich

Bukhara literary historical environment (XX century).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАТОВ АМОНКЕЛДИ ҲАСАНОВИЧ

БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ (XX АСР)

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.1.PhD/Таг599 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) va «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайтов Шодмон Ахмадович
тарих фанлари доктори, профессор

Тайронов Ёқубжон Рапиқович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи РНД.03/27.02.2020 Таг.72.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Бухоро шаҳри, М.Иқбол, 11. Тел.: (+365) 221-29-14; факс: (365) 221-26-12; e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 41225 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол, 15-уй.Тел.: (+365) 221-29-14; факс:(365) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2022 йил 8.11 куни тарқатилди.
(2022 йил “ ” даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Иноятгов С.И.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

Рашидов О.Р.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қотиби, тарих
фанлари буйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Хайитов Ш.А.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнида цивилизациялар ривожига ҳисса қўшиб келаётган адабий муҳит тарихига мунтазам муурожаат қилмоқдалар. Айниқса, турли сиёсий тузумлар таъсирида қолган XX асрнинг адабий оқим ва йўналишларини ўзида мужассамлаштирган адабий муҳит тарихи масалаларига тадқиқотчилар мунтазам муурожат қилиб келмоқдалар.

Жаҳон тарихида муайян ҳудудларда адабий муҳитнинг пайдо бўлиш омиллари, ўзига хос тараққиёт тамойиллари, шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, такомил босқичлари, етакчи намоёндалари биографиясини, ижодий фаолиятини ўрганиш масалаларини тадқиқ этиш долзарб вазифалар сирасига киради. Шунингдек, дунёнинг қатор йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг XX аср тарихи масалалари билан биргаликда адабий муҳит тарихи, адабий муҳит вакилларининг ижтимоий-сиёсий, маданий соҳадаги фаолиятлари жиддий ўрганилмоқда. АҚШ, Европа ва Япония тадқиқотчилари ўз асарларида Бухоро адабий муҳити тарихи масалаларига ҳам эътибор қаратаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихшунослигида XX аср адабий муҳити тарихини холис ва ҳаққоний ўрганиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бироқ, XX аср Бухоро адабий муҳити тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари, адиблар ижодидаги янги ланишлар яхлит илмий муаммо сифатида ўрганилмаган. “Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний сингари маърифат фидойиларининг ибратли ҳаёти бугунги кунда ҳам ...бизга беқиёс куч бағишлаб келмоқда. Бугунги кунда Жамол Камол, Тўра Мирзаев, Тошпўлат Аҳмад, Жўра Фозил, Жаҳонгир Исмоилов, Лайло Шарипова, Маматқул Жўраев, Шодмон Сулаймон сингари истеъдодли олим ва ижодкорларимиз устозлар анаънасини фаол давом эттирмоқдалар”¹. Бу борада тарихчилар томонидан Бухоро адабий муҳити тарихини чуқур ўрганиш ҳамда бундай тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар ҳиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Илму маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик билан ном қозонган халқ (Бухоро вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ) // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 146-147.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср Бухоро адабий муҳити тарихи масаласига қаратилган тадқиқотларни қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Бухоро амирлиги ва БХСР даврида яратилган ишлар; 2) совет давридаги тарихий тадқиқотлар; 3) мустақиллик йилларида нашр этилган китоблар; 4) хорижий муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳамда БХСР ҳукумати даврида яратилган асарлар кириб, жумладан, Ҳожи Неъматулла Муҳтарам, Афзал маҳдуми Пирмастий, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё, Муҳаммад Али Балжувоний, Мирза Салимбек Кашкулий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби муаллифларнинг асарлари² ни келтириш мумкин. Айниқса, Садр Зиё асарларида бевосита ўша давр воқеалари иштирокчиси сифатида бой маълумотлар келтирилган.

Иккинчи гуруҳга совет ҳукмронлиги йилларида яратилган тадқиқотларни киритиш, бу даврни Бухородаги жаҳидчилик ҳаракати вакиллари Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат фаолиятдан бошлаш мумкин³. Уларнинг тадқиқотларида Бухоро адабий муҳитининг XX аср дастлабки ўттиз йиллигидаги ҳолатига, адибларнинг маърифатпарварлик фаолиятига баҳо берилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин И.Брагинский, А.Ганиев, Л.Епифанова, Ф.Қосимов, А.Ишанов, Хошим Раҳим⁴, шунингдек,

² Афзал маҳдуми Пирмастий. Афзалут тазкор фи зикри шуаро. Чопи сангий, Тошканд, 1918. сах. –72.; Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи мутгақадимин ва мутгаахириин. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. –344 б.; Садр Зиё. Тазкираи Ашъор // 1681 инвентарь. Бухоро давлат меъморий-бадий, музей-қўриқхонаси қўлэзмалар фонди.; Тазкаре Ашар. Шариф-жан Маҳдум Садр Зиа, Ed., by М.Ж.Шақури Бокҳари. Soroush. Press. –Техран, 2001. –446 сах.; Садр Зиё. Наводири зиёия. –Тошкент: Баёз, 2017. – 184 б.; Ҳожи Неъматиллох Муҳтарам. Тазкират-ул-шуаро. –Душанбе: Дониш, 1975 –369 сах.; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. –Тошкент: Академия, 2001. –122 б.; Садриддин Айний. Таърихи амирони мангития Бухоро. –Тошкент: Туркистон, 1923.; Фитрат Бухорой. Мунозараи мударриси Бухорой бо як нафар фарангӣ дар Хиндустон дар бораи макотиби чадида. Хакикат нагичаи тасоддими афкор аст. Таъби аввал. –Истанбул: Матбаи исломияи Хикмат, 1327/1911. –68 сах.; Фитрат Бухорой: Сайҳа. –Истанбул, 1329.; Фитрат Бухорой: Баёноти сайёҳи хиндий. Дору - л - хилофот. Истанбул: Хикмат, 1330/1912. –128 сах.

³ Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. –Москва, 1926. –448. Сах.; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. –Москва, 1926.; Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. – Самарқанд, 1927.; Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон (Бо муқаддимаи А.Муҳиддинов). – Сталинобод: Нашрдавтоҷик, 1930. –64 сах.; Фитрат. XVI асрдан кейинги ўзбек адабиёти // Аланга. – Самарқанд, 1929. –№ 8-9. –Б. 24-35.

⁴ Брагинский И. Садриддин Айни (Материалы и биографии и творческой характеристике). – Сталинабад, 1948. – С.13-23.; Он же. Садриддин Айни (Очерк жизни и творчества). – Сталинабад, 1954.; Ганиев А. Педагогическая деятельность и педагогические взгляды Садриддина Айни: Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Ашхабад, 1961.; Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангытских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой.–М., 1962. –332 с.; Касымов Ф. Историография БНСР: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1968.; Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. –Ташкент: Узбекистан, 1969. –392 с.; Хошим Раҳим. Сухан аз устодон ва дўстон. – Душанбе: Ирфон, 1983. –345 сах.

адабиётшунослардан Холида Айний, С.Алиев, Т.Қораевлар⁵ нинг совет ҳокимияти йилларида коммунистик мафкура руҳида яратилган кўплаб асарларида Бухоро адабий муҳити масалалари қисман бўлсада ўрганилган.

Учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар мансуб бўлиб ҳисобланади. Бу даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда адиблар шахсияти ва ижодига холисона муносабат шакллана бошлади. Бунга мисол сифатида ХХ аср Бухоро адабий муҳити тарихини ўрганишда муаррих олимлардан Ф.Ҳ.Қосимов, С.И.Иноятов, Қ.К.Ражабов, Ш.А.Ҳайитов, К.Ж.Раҳмонов, С.Ж.Жалилов, У.Ж.Рашидов, Б.Т.Мирзақулов⁶ асарларини айтиш мумкин. Мазкур муаллифларнинг ишларида Бухородаги адабий муҳит тарихи маданий жараёнлар контекстида умумий равишда ўрганилган.

Айниқса, Бухоро адабий муҳити муаммолари адабиётшунослар ишларида ҳам мавжуд, жумладан, С.Алиев, П.Қаюмов, Р.Воҳидов, О.Сафаров, Ғ.Муродов, Д.Ўраева, Ш.Аҳмедова⁷ асарларида адабий-таҳлилий жиҳат баён этилган. Жумладан, адабиётшунос олим О.Сафаровнинг Х-ХХ асрлар Бухоро адабий жараёнларига оид маълумотлар жамланган “Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар” китоби ўн асрлик тарихий даврни қамраб олган. Китобда ХХ аср адабий муҳитига ҳам салмоқли саҳифалар ажратилган бўлиб, олим айниқса шоир ва ёзувчилар ижодини адабий таҳлил этиб, давр поэзиясига кенгроқ этибор қаратади.

Сўнги йилларда эълон қилинган тарих, фалсафа фанига⁸, адабиётшуносликка⁹ оид бир қатор диссертацияларда Бухоро адабий муҳити

⁵ Холида Айни. Жизнь Садриддина Айни. – Душанбе: Дониш, 1982.; Алиев С. Унутилмас саҳифалар. – Тошкент, 1986. –Б. 88-91.; Қораев Т. Танланган асарлар. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 312 б.; Қораев Т. Танланган асарлар. 2 жилд. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б. 345.; Шукуров М. Об идейных и художественных особенностях “Воспоминаний” С.Айни (“Ёддошҳо”, части I и II): Автореф. дисс. ...канд. фил. наук. – Москва, 1954.; Султанов И. Из истории социалистического реализма в узбекской литературе: Автореф. дисс. ... док. фил. наук. – Ташкент, 1955.; Ниязов Н. Поэтическое творчество Садриддина Айни: Автореф. дисс. ...канд. фил. наук. – Ленинград, 1958.

⁶ Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. –Бухоро, 1997.; Иноятов С. Уч сиёсий тизимнинг қилиниги мос тушмаган шахсият (Отаулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига қизгилар) // Vuxara Cumhuriyeti 101 yasinda. Istanbul –Toshkent, 2021.; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. –Тошкент: Tafakkur, 2016. –460 б.; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. –Тошкент: Наврўз, 2020. –208 б.; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар). –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012. –176 б.; Жалилов С. Бухорийлар қиссаси: (Муҳожират тарихидан лавҳалар). –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. –284 б.; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. –99 б.; Мирзақулов Б. Бухоро тарих зарваракларида. – Бухоро: Дурдона, 2018. –212 б.

⁷ Алиев С. Бухорода битилган байтлар: (Адабий мақолалар ва хотиралар). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1992. –128 б.; Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. –Тошкент: ЎзРФА қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1999. –Б. 460.; Воҳидов Р, Маҳмудов М. Устод Садриддин Айний сабоқлари. –Тошкент: Фан, 2004. –320 б.; Сафаров О. Устозлар ва сафдошлар. –Тошкент: Мухаррир, 2012. – 196 б.; Сафаров О. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Мухаррир, 2012. –188 б.; Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. –Бухоро: Дурдона, 2015. –584 б.; Муродов Ғ., Саидова М. Ҳайрат ва самимият куйчиси. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2016. –64 б.; Муродов Ғ. Шоир қалби наволари. –Бухоро: Дурдона, 2016. –160 б.; Алиев Саид.Рисола. –Бухоро: “Бухоро” нашриёт 1995. –37 б.; Ўраева Д. Охунжон Сафаров ижодий портрет. –Тошкент: Мухаррир, 2010. -128 б.

⁸ Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошларида): Тарих фанлари номзоди. дис. – Тошкент, 2001.; Санаев И. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф... – Тошкент, 2001.;

тарихининг айрим қирралари ўрганилди. Бироқ, муайян илмий изланишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозиргача Бухоро адабий муҳитининг XX аср тарихига оид монографик тадқиқот яратилган эмас.

Собиқ Иттифок парчалангач, тожикистонлик тарихчи олимлардан Н.Гафаров, Н.Хотамов, М.Бакиев, К.Расулов¹⁰; адабиётшунослардан Соҳиб Табаров, Муҳаммаджон Шакурий¹¹ томонидан Бухородаги адабий муҳит тарихи, Бухоро адибларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид асарлар яратилди.

Хорижда яратилган Бухоро жадидчилик ҳаракати масаласига бағишланган бир қатор тадқиқотларда XX аср Бухоро адабий муҳити тарихига оид айрим маълумотлар учрайди¹². Хорижий тадқиқотларда XX аср бухоролик адиблар ижодий фаолиятини ўрганиш орқали тараққийпарварлик ҳаракатининг асл моҳияти имкон қадар очиқ берилган. 2010 йил Токио (Япония)да япон ва ўзбек тадқиқотчилари Шимада Шизуо ҳамда Шарифа Тошева Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилобининг тарихи”¹³ асарини араб имлосида чоп этиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилганликлари бу борада муҳим воқеа бўлди.

Юқоридаги тадқиқотларнинг аксар қисми умумий Ўзбекистон тарихини ёки маълум бир даврни, айнан бир ижодкор фаолиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, XX аср Бухоро адабий муҳити тарихи тўла тадқиқ этилмаганлиги аён бўлди. Мавзуга оид ишлар таҳлили кўрсатадики, Бухоро

Темиров Ф. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида туган ўрни ва ижтимоий фаолияти: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф.... – Тошкент, 2020.; Янгибоева Д. Шарифжон Садри Зиёнинг Бухоро илмий, маданий муҳитида туган ўрни ва ижтимоий фаолияти (1865-1932 йй.): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф.... – Тошкент, 2021.; Наимов И. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик фаолияти ва унинг илмий мероси: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф.... – Тошкент, 2022.; Раджабова С. Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухорий ижодида маърифатпарварлик фалсафаси муаммолари: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс.. автореф.... – Тошкент, 1996.; Ғойибова Ш. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс.. автореф.... – Тошкент, 1996.

⁹ Имомов М.С. Художественное мышление и поэтика прозы Садриддина Айни: Автореф. дисс. док. фил. наук. – Душанбе, 2002.; Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари: Фил.фан.доктори (Dsc) дисс.. автореф.... – Тошкент, 2018. –71 б.

¹⁰ Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. –Хужанд, 2000.; Хотамов Н.Бухарские джадиды и основные этапы их деятельности. –Душанбе, 2000.; Бакиев М. История просветительского движения и свободомыслия в Средней Азии, конец XIX – начало XX века: Дисс. док. ист. наук. –Душанбе, 2000.; Расулов К. История культуры таджикского народа в первой четверти XX века: Дисс. док. ист. наук. –Душанбе, 2010.

¹¹ Табаров С. С.Айни – кофиясолори адабиёти советии тоҷик. – Душанбе, 1977; Шу муаллиф: Мунзим. – Душанбе: Ирфон, 1991.; Табаров С. Мунзим – роҳбари ҷамияти ҷавонон ва раиси фирқаи ҷавонбухориён. – Душанбе, 2004.; Муҳаммаджон Шакурий. Нигоҳе ба адабиёти тоҷики садаи бист. –Душанбе: Душанбе, 2006. –456 с.; Муҳаммаджон Шакурий. Садри Бухоро. –Душанбе: Деваштич, 2005. –Саҳ. 11-202.

¹² Юсуфий Ф. Дидоре бо ахли калам. –Табрез: Махорат, 1374 х. –126. саҳ.; Edward A. Allworth. The Modern Uzbeks. From the Fourteenth Century to the present. A Cultural History. –California: Hoover Institution Press Stanford University, 1990. –P.144; Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley, Los Angeles, London: University of California Press, 1998; Baldauf I. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams. 2000. № 1 (41). – P. 72-88.; Komatsu Hisao. Turkestan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller 1900-1924. Osman Hoca Anisina Inselemeler // Hazırlayan Timur Koca og'lu. Haarlem-Ankara: Sota, 2001. – P. 299-313.; Timur Kocaoglu. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924, Sota Haarlem, 2001.

¹³ Sadr al-Din Ayni. Bukhara inqilabining ta'rikhi (Nashrga tayyorlovchilar: Shimada Shizuo, Sharifa Tosheva). – Tokio, 2010.

адабий муҳитининг XX асрдаги тарихини алоҳида тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг “Бухоро тарихи масалалари (Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)” мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср Бухоро адабий муҳити тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро амирлигида адабий муҳитнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

БХСРдаги маданий жараёнлар ва адабий муҳит тарихи масалаларини Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа адиблар фаолияти орқали ўрганиш;

Коммунистик мафкуранинг адабий муҳитга таъсири масалаларини бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг адабий муҳитдаги ўрни ва ролини очиб бериш;

XX аср 80-йиллари Бухоро адабий муҳити тарихидаги ютуқ ва муаммоларни тадқиқ этиш;

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида Бухоро адабий муҳити тарихи билан боғлиқ ўзгаришларни очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини XX аср Бухоро адабий муҳити вакиллари фаолиятининг адабий-маданий, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги таъсири масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида XX аср Бухоро адабий муҳити тарихининг шаклланиши, тараққиёти ва унга таъсир кўрсатган омиллар белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-хронологик таҳлил, анализ ва синтез, синергетик ёндашув, обективлик ва холисоналик метод ва усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср бошларида Бухоро адабий ҳаракатчилигида сарой адабий муҳити, маърифатпарварлик сингари оқимлар юзага келишининг тарихий омиллари, адиблар ижодида узоқ давом этган турғунликдан кутулиш мафкураси мавжудлиги сабабли миллий озодлик ва ўзликни англаш тенденциялари етакчилик қилганлиги аниқланган;

1934 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг тузилиши, бироқ II жаҳон уруши туфайли тўхтаб қолиши, 1955 йил 1 октябрда 293-сонли фармойиш асосида қайта ташкил этилиши ва унинг таркибий тузилимаси, молиявий ҳолати, адабий алоқалари, бугунга қадар бўлган фаолияти асосланган;

Бухоро адабий муҳити вакилларининг турли тилларда ижод қилиш хусусияти, ўзбеклардан ташқари тожик, форс, рус, яҳудий сингари миллий таркибга эгаллиги, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Республикадан адибларнинг ташрифлари ва уларнинг адабий муҳитга, ёш ижодкорларнинг фаолиятига таъсири ўрганилган;

Мустақиллик арафасида ва дастлабки ўн йиллигида Бухородаги адабий муҳитнинг иқтисодий ҳолати, сиёсий жараёнлардаги иштироки, тарихий жараёнларнинг адабиётдаги талқини масалаларининг ҳаққоний моҳияти ва мазмуни очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

XX асрда Бухоро адабий муҳитининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омиллар тизимли тарзда таҳлил қилиниб, адабий муҳит намояндалари ижодининг шаклланиш омиллари, ўрганилиш тарихи ва уларнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни далилланган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг ташкил қилиниши ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўрганилиб, ҳанузгача номлари аниқ бўлмаган янги ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар тўпланган;

адабий муҳит вакилларининг фаолияти архив ва матбуот материаллари, совет даври ҳамда мустақиллик даврида яратилган илмий асарлар, хотиралар мисолида кўрсатилиб, адибларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, коммунистик мафкура таъсирининг салбий оқибатлари очиб берилган;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш учун муҳим-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларни тўплаш ва таҳлил этишда архив ҳужжатлари, даврий матбуотда эълон қилинган илмий-адабий ва тарихий йўналишдаги мақолалар, хотира ва эсдаликларга таянилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий адабиёт тарихини янада бойитишга, диссертацияда илгари сурилган назарий ғоялар ва умумлашма хулосалар XX аср ўзбек адабиёти муҳити тарихи, Ўзбекистон тарихи йўналишида олиб бориладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон тарихи, фан ва технологиялар тарихи, ўзбек адабиёти тарихи фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини ёзишда, маърузалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлар, махсус курслар ўтишда ҳамда, Ўзбекистоннинг XX аср мустақиллик даври тарихини ўрганишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср) тадқиқи натижалари асосида:

XX аср бошларида Бухоро адабий ҳаракатчилигида сарой адабий муҳити, маърифатпарварлик сингари оқим ва йўналишлар юзага келишининг тарихий омиллари, адиблар ижодида узоқ давом этган турғунликдан қутулиш мафкураси мавжудлиги сабабли миллий озодлик ва ўзликни англаш тенденциялари етакчилик қилганлиги тўғрисидаги маълумотлардан ҳамда мустақиллик арафасида ва дастлабки ўн йиллигида Бухородаги адабий муҳитнинг иқтисодий ҳолати, сиёсий жараёнлардаги иштироки, тарихий жараёнларнинг адабиётдаги талқини масалаларининг ҳаққоний моҳияти ва мазмуни билан боғлиқ маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Очиқ дарс” ҳамда “Тақдимот” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 сентябрдаги 01-13-1542-сон маълумотномаси). Натижалар кўрсатувлар мазмунини бойитишда ва уларнинг оммабоплигини таъминлашда хизмат қилган;

1934 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг тузилиши, бироқ II жаҳон уруши туфайли тўхтаб қолиши, 1955 йил 1 октябрда 293-сонли фармойиш асосида қайта ташкил этилиши ва унинг таркибий тузилимаси, молиявий ҳолати, адабий алоқалари, бугунга қадар бўлган фаолияти ҳамда Бухоро адабий муҳити вакиллариининг турли тилларда ижод қилиш хусусияти, ўзбеклардан ташқари тожик, форс, рус, яҳудий сингари миллий таркибга эгаллиги, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Республикадан адибларнинг ташрифлари ва уларнинг адабий муҳитга, ёш ижодкорларнинг фаолиятига таъсири билан боғлиқ илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетида бажарилган 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдли монографиясини чоп этиш (7 жилд)” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг XX аср қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетининг 2022 йил 15 апрелдаги 04/1–691-сон маълумотномаси). Диссертация материаллари мазкур кўп жилдли монографиянинг еттинчи жилдида XX аср Бухоро адабий муҳити тарихи масалаларини атрофлича ёритишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда илова

қисмларидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XX аср биринчи чорагида Бухородаги адабий муҳит”** деб номланган биринчи бобида XX аср дастлабки чорагидаги адабий муҳит тарихи ўрганилган. Шарифжон Махдум, Абдулазим Сомий, Мирза Саҳбо сингари маърифатпарвар адиблар етишиб чиқди. Мирза Сирож Ҳаким, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий уларнинг муносиб издошлари эди. Ҳожи Неъматулла Муҳтарам, Афзал Пирмастий¹⁴ ҳам XX аср бошларида Бухоро адабий муҳити вакиллари сифатида танилган эди. Ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётда ҳам фаол бўлган Абдулвоҳид Бурҳонов Мунзим, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат жаҳид адабиётига тамал тошини қўйдилар¹⁵.

Адабий ҳаракатчилик ўша давр моҳиятига кўра икки хил кўринишда намоён бўлди. Ҳукмдор, амалдорларни мадҳ этувчи, сарой ҳаётини улуғловчи адабий муҳит билан; халқчил йўналишда қалам тебратувчи, ҳурфикрли, жамиятдаги иллатларни фош қилувчи ижод билан танилган маърифатпарварлар муҳити ҳам анчагина эди.

Сарой адабий муҳитини ҳам шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин: аввало, анъанавий шарқ мумтоз адабиётини сақлаб қолиб, сарой аҳлини улуғловчи шеърлари билан танилган, амир Абдулаҳадхоннинг хизмати ва эътиборида бўлган, унинг ҳомийлигидан фойдаланган Афзал Пирмастий, Неъматулла Муҳтарам, Абди, Гулшаний каби шоирлар бор эдилар. Уларнинг ижодида Оллоҳга, пайғамбарга ожизона илтижо, мадҳиябозлик этиш, ошиқ-маъшук тимсолларига оид сўз ўйинлари асосий мавзу бўлиб хизмат қилган.

Фақат сиёсий ҳаётнинг эмас, адабий ҳаётнинг ҳам эътиборли вакили сифатида дастлаб “Масъуд”, кейин эса “Ожиз” таҳаллусида ижод қилган амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида адабиёт-санъат равнақи кузатилади¹⁶. Унинг ўғиллари Мирсиддиқ Ҳашмат, Сайид Муҳаммад Носирларнинг адабий муҳитдаги иштироки, айниқса, диққатга сазовор.

Иккинчи тоифадагилар сарой вакиллари бўлса-да, ғоя ва қарашларида ислохотларга мойиллик сезиларди (Аҳмад Дониш, Шамсиддин Шохин, Шарифжон Махдум, Мирза Сомий, Мирза Саҳбо ва б.).

¹⁴ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб, 2010. – Саҳ.191, 283,309,320,153.

¹⁵ Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Б. 437.

¹⁶ Садр Зиё. Тазкори ашъор. – Техрон: Сорус, 2001. – Саҳ. 322-324.

Абдулкарим Офарин, Азизхожа Азиз, Абдулмажид Зўфунун, Назрулла Латиф Бухорий, Ҳожи Иброҳим Осим Бухорий¹⁷ сингариларнинг номлари турли асарларда, тазкираларда келтирилган бўлиб, ижодлари уқадар юқори савияда бўлмаган, алоҳида китоб, девон қолдиришмаган, лекин ўзларига таҳаллус танлаб шоирликни даъво қилувчилар бўлишган.

Шарифжон Махдумнинг (1865-1932) ҳовлиси адиблар йиғиладиган баҳслар ва мунозаралар марказига, ўзига хос адабий мактабга айланди¹⁸. XX аср бошларида сарой адабий муҳитининг биринчи тоифасига бевосита амир Абдулаҳадхоннинг ўзи раҳбарлик қилса, иккинчи тоифага Шарифжон Махдум етакчилик қилган. Бухоро адабий муҳити ривожига муносиб ҳисса қўшган ўнлаб шоирлар Шарифжон Махдумнинг адабий мактабидан баҳраманд бўлишган.

Дастлаб, асосан, назмда ижод қилган С.Айнийнинг 1920 йилга қадар ёзган 27 та ғазалидан 1 таси мувашшаҳ*, 3 тасида: Бедил, Соиб, Камол Исфажоний ғазалларига тазмин* боғланган. Адибнинг 8 та мухаммас*, 4 та қасида, маснавий жанрида 7 та шеър, 2 та қитъа*, 1 та бадеҳа, 6 та рубоийси¹⁹ бизга маълум бўлди. С.Айнийнинг кейинги даврларда ёзилган Бухоро адабий муҳити тарихидан хабар берувчи асарларида айрим ишончсиз маълумотлар ҳам учрайди.

Бадий ижодга шеърят орқали кириб келиб, дастлаб “Мижмар” таҳаллуси билан шеърлар ёзган Абдурауф Фитрат 1909-1912 йилларда Истанбул (Туркия)да таҳсил олади. “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи баёноти”, “Сайҳа” асарлари нашр қилиниб Бухорога яширин йўллар билан олиб келинган. “Сайҳа” (“Наъра”) форс тилида ёзилган шеърлар мажмуасидан иборат кичик ҳажмли тўпламдир. С.Айний “Намунаи адабиёти тожик” асарида шу тўпламдан шеърлар келтириб, Фитратни “XX аср форс-тожик шеърятининг асосчиси”²⁰ сифатида кўрсатади.

1917 йил апрел воқеаларидан кейин Амир Олимхон Шарифжон Махдум қозикалонни ислохотчилик тарафдори сифатида айблаб лавозимидан олган. Мирза Назрулла, Садриддин Айний, Ҳожи Мирбоболар билан бирга, сарой вакилларида Мирза Саҳбо қамалган. Мирза Муҳсинзода, С.Айний, Ахтар Бухорийлар 75 таёқ, Мирза Назрулла 150 таёқ билан жазоланган. Мулла Назрулла Латиф Бухорий 1917 йил 75 таёқ урилгач вафот этган²¹.

Ф.Колесов воқеаларидан (1918 йил март) кейин Назмий Бухорий билан Қози Абдуссамадхўжа Балжувонда қатл қилинган. Ҳамидхўжа Мехрий, ҳожи Сирожиддинлар сиёсий воқеалардан четда турса-да, жадид сифатида

¹⁷ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб, 2010. – Саҳ. 211, 290, 313, 376.

¹⁸ Муҳаммаджони Шақурий Бухорий. Садри Бухоро. – Душанбе: Деваштич, 2004. – Саҳ. 8.

¹⁹ Айний С. Ашъори Мунтахаби. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1958. 169 саҳ.

* Мувашшаҳ- 8—10-асрларда шаклланган айтим чолғу туркум жанри; Тазмин- шоир фикр ва ҳис-туйғусини тасдиқлаш, исботлаш ёки давом эттириш учун бирор кимса ижодидан шоҳбайт, афоризм даражасига кўтарилган машҳур мисрани ўз шеърида келтириши; Қитъа- (а. - бўлак, қисм, парча) - мумтоз адабиётда лирик жанр. Шеър шакл сифатида қасида ва ғазалдан олдин пайдо бўлган.

²⁰ Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тожик. – Москва, 1926. – Саҳ. 534-545.

²¹ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб, 2010. – Саҳ. 376; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б.298-305.

айбланиб қатл қилинган. Ф.Хўжаев Саҳбони жадидларга хайрихоҳ бўлгани учун амир ўлдиртирди, дейди²². Бухородаги 1917-1918 йил воқеалари адиблар руҳиятида тушкунлик кайфияти ва амирлик тузумига нафратни юзага келтирган. С.Айнийнинг “Марши хуррият”, “Ба шарафи инқилоби октябрь”, “Марсия” (Ҳожи Сирожнинг ҳалок бўлишига, 1918), “Инкилоб” (1919); Аккоснинг “Баёни ҳол” шеърлари шу даврда ёзилган²³. Адабий муҳит вакиллар Бухорони тарк этиб, асосан, Самарқанд ва Тошкентдан паноҳ топадилар.

Амирлик ҳокимияти қулаб Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати тузилгач, адабий-маданий соҳада ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. БХСР раҳбариятининг маданият ва санъатни ривожлантиришга қаратилган эътибори натижасида Бухоро адабий муҳити ҳам янги шакл ва янги шахслар билан бойиди. БХСР ҳукуматининг нашрий органи “Бухоро ахбори” (кейинчалик “Озод Бухоро”) газетаси адабий-маданий ҳаётда муҳим роль ўйнади²⁴. Адабий жараёнларда фаол бўлган Тўрақулов, Абу Уйғур, Боғбон, Дехқон, Дониш, Абу Шомил, Игна, Мешкоб, Мухбир, Сирли, Ўзбек, Ўқувчи, Ўртоқ, Чигир боласи таҳаллуслар остида матбуотда иштирок қилдилар. Айниқса, Бой-Су, Абу Ваража, Искар Топар таҳаллусли муаллифларнинг ҳикоя ва ҳажвиялари эълон қилинган²⁵. Хотин-қиз ижодкорлардан Абу Ойша, Рафиқа, Туркман қиз, Ўзбек қиз²⁶ кабилар адабиётда ва матбуотда фаол иштирок этганлар.

Сарой адабий муҳитининг айрим вакиллари Бухорони тарк этдилар ёки умуман адабий жараёнларда четлашиб қолдилар. Иккинчи тоифа вакиллари эса маданий тадбирларда фаол иштирок этиб, “Бухоро илмий жамияти”, “Анжумани тарих”нинг аъзолари сифатида бирлашиб, биров вақт сиёсий фаолдек кўриндилар. Уларнинг БХСРдан кейинги фаолияти эса тўлиқ ижодга бағишланган.

Фитрат, Мунзим, Ҳамдий, Мирбобо, Ҳошим Шойиқ сингарилар бевосита сиёсий жараёнлар марказида турсаларда, маълум вақт ўтгач, Бухорони тарк этдилар. Фахриддин Рожий сингари шоирлар истиқлолчилик ҳаракати вакиллари томонида бўлдилар²⁷. С.Айний Самарқандда доимий истиқомат қилсада, Бухоро адабий ҳаракатчилигида фаол бўлди.

Ижоди ҳам мансаби каби юксалаверган Фитратнинг шу даврда ёзилган драмалари муҳокамага тортилиб: “Ҳар қаҳрамон орқасида Фитратнинг ўзи

²² Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 3 томлик. Т.1. -Тошкент: Фан, 1976 –Б. 157.

²³ Айний С. Ашъори мунтахаб. –Сталинобод: Нашриёти давлатии Тожикистон, 1958. – Б. 9-12; Аккос Бухорий. “Баёни ҳол” // Шуълаи инқилоб. 51-сон, 1920 йил 28 сентябрь.

²⁴ Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 й.й). -Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012. – 176 б;

²⁵ Бухоро ахбори: Бой-Су. Ҳар кўнгилда бир фикр. 105-сон, 1922 й. 26 октябрь; Чўнтагимда қолибдур. 108-сон, 1922 йил 5 ноябрь (Адабий); Абу Ваража. Навбатдаги вазифалар. 114-сон, 1922 йил 3 декабр; Туш. 118-сон, 1922 йил 17 декабр; Озод Бухоро: Абу Ваража. Одам. 2-сон 1923 й. 19 октябрь; Искар Топар. Гаранг Махсумдан сўранглар. 151-сон, 1924 йил 14 октябрь.

²⁶ Рафиқа. Хотун-қизларимизни ўқутмоқ керак // Бухоро ахбори. 138-сон. 1923 йил 3 март; Туркман кизи // Каркида хотун-қизлар мактаби // Озод Бухоро. 24-сон. 1923 йил 15 декабрь.

²⁷ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). -Тошкент: Адолат, 1997. -Б.139.

яширинган деган фикрга қўшиламиниз. Бунга ҳеч бир шубҳа йўқ. Чунки ҳар қаҳрамон оғзидан оташин миллатчилик сўзлари чиқади. “Ҳинд ихтилочилари”нинг Берлинда босилиши ҳам иттифоқда эмас”²⁸ - деган хулосалар билан Фитратга чекловлар кучаяди.

Фитратнинг таклифи билан Бухорога келган Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) аввало, ёшлар ва аскарлар ўртасида маънавий-маданий, марифий жараёнларни ташкил қилишга киришиб, БХСРда маориф нозирлигида, сўнгра “Бухоро ахбори” газетасида 1921 йил 30 июндан 1922 йил 15 январгача (41-67 сонлари) бош муҳаррир бўлиб ишлаган. 1922 йил 4 январдан 5 февралгача Когондаги ҳарбий шифохонада даволаниш жараёнида, газета фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун адибни муҳаррирлик лавозимидан олишга мажбур бўлдилар. Бу орада у бемор ҳолида ёзган “Кулмак истадинг”, “Ётоқдан”, “Қизариш”, “Оғриганда...” номли шеърларини остига “Ҳарбий хастахона. Бухоро” дея қайд қилади²⁹.

Адиб Бухорода 2 та: “Индамайсан”, “Ўринсиз фотиҳа” ҳикоя³⁰, 16 та шеър ёзган. Шеърларидан 6 таси: “Оғдорилиш”, “Халқ”, “Тарихдан”, “Куз”(1921), “Юрт йўли”, “Ўликларга қарши” - “Бухоро ахбори” газетасида чоп этилган. Бухорода ёзган 17 та мақоласидан 11 таси “Бухоро ахбори”да босилган³¹. Бухорода ёзилган мақола ва шеърларидан англашиладики, Чўлпон қалбида ҳеч қачон совет воқелигини қабул қилолмаган, ижодида тузум билан муросага боролмаган. Унинг чақириқларида доимо “бошдаги кўланка” (совет тузуми)дан қутулиш ғояси тарғиб қилинган.

Совет режимининг мустаҳкамлана бораётганига қарамай, А.Фитрат, А.Мунзим, Чўлпон кабилар турли қочириқлар билан ҳурликни тарғиб қилдилар. Замон талабларидан келиб чиқиб қалам тебратган Садриддин Айний, Мирза Муҳсин Аккос, Мирбобо Муҳсинзода сингари ижодкорлар совет мафкурасини танлаганлар.

Бухоро адабий муҳитининг тил хусусияти ҳамон зуллисонанлик (икки тилда ижод қилиш) анъанасини сақлаб келаётганлигида эди. Адабий муҳит вакиллариининг ижтимоий таркиби турлича бўлиб, деҳқон, ҳунарманд, косиб, майда савдогардан йирик тадбиркоргача, мударрис, талаба, миршаб, қози, сарроф, наққошни ҳам учратиш мумкин. Вакиллар орасида, айниқса, мударрис ва мадраса толиблари кўпчиликини ташкил қилган. Ушбу давр адабий муҳитида ижодкорлар мумтоз адабиётдан воз кечмаган, аммо янги адабий жараёнларга қадам ташлаган навбатдаги босқич эди. Бу давр адабиёти турли тазйиқларга дучор бўлиб, аниқ бир мақсадли дастурга эга эмасдек кўринади. Аммо масалага синчиклаб қаралса, адабий муҳит ғояларида ёш республикани тўла озодликка олиб чиқиш ғояси кўриниб турибди.

²⁸ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 2-рўйхат, 450-йиғма жилд, 55-варақ.

²⁹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 2-рўйхат, 304-йиғма жилд, 15 варақ; 303-йиғма жилд, 3, 26-28-варақлар.

³⁰ Сафаров О. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. –Б. 85.

³¹ Чўлпон. Бухоро ахбори// 1921-1922й. 41-45, 47, 58-60, 65, 72, 167-сонлар.

“Совет ҳокимияти йилларида Бухородаги адабий жараёнлар (1925-1991)” деб номланган иккинчи бобда XX аср 20 - йилларида Бухоро адабий муҳити турли чалкашликлар, оқим ва гуруҳларга бўлиниб кетгани, адабиёт соҳасидаги ўзгаришлар, дастлабки йилларда бу йўналишда совет ҳукумати ҳам аниқ яхлит дастурга эга бўлмаганлиги ҳақида маълумотлар билан бошланган. 1925 йил 18 июнда эълон қилинган “Партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида”³² қарори давр адабий муҳити учун дастуруламалга айланди. Узоқ йиллар сақланиб келган мумтоз адабиёт анъаналаридан фарқли ўлароқ, бу давр адабиёти янги типдаги адабиёт бўлиб, халқ бадиий тафаккури тараққиётида тамоман ўзгача саҳифа очди.

Адабий муҳит вакилларининг ижодлари партиянинг социалистик маданият яратиш борасидаги кўрсатмалари асосида чоп этилди. Ушбу мафкурага тўғри келмайдиган ижод ва ижодкорлар ҳам маънан, ҳам жисмонан таъқибга олинди, ўтмишдан қолган маданиятга нисбатан танқидий қаралди. Адабий танқидчилик ВКП(б) Марказий комитетнинг 1932 йил 23 апрел қарорини³³ ўзига асос қилиб олган. Ўзбекистон ССР Марказий Комитети КП(б) 5-плenumsида А.Икромов томонидан маданий қурилиш тўғрисида қилинган ҳисобот³⁴ адабиётнинг янги поғоналарга кўтарилишида, адабиёт назарияси, адабий танқид учун асосий дастур бўлган.

XX аср 20-йиллари Бухоро адабий муҳитининг вужудга келишида фаоллик кўрсатган С.Айний, А.Фитрат, А.Мунзим, А.Ҳамдий, Ҳ.Шойиқ каби ёзувчилар сафига келиб қўшилган М.Раҳимий, Ж.Икромий, П.Сулаймоний, А.Мажидий сингари ёш ижодкорлар замон талабларидан келиб чиқиб қалам тебратганлар.

Бу даврда Ўзбекистон ССР марказининг Бухородан Самарқандга кўчирилиши (1925 йил) оқибатида ҳамма замонда бўлгани каби адибларнинг марказга интилиш жараёни кузатилади. А.Фитрат Самарқанд, Тошкент, П.Сулаймоний ва Ж.Икромий эса С.Айний изидан бориб, аввал Самарқанд сўнгра Душанбе (Тожикистон) шаҳридан қўним топдилар. А.Мунзим, А.Ҳамдий, М.Раҳимийлар ҳам Самарқанд, Тошкент, Душанбе шаҳрига кўчиб ўтдилар. Ушбу муҳожирликлар Бухоро адабий муҳитига салбий таъсир кўрсатди.

Кўпгина истеъдодлардан айрилган Бухоро адабий муҳитига XX аср 30-йилларига келиб, С.Жўраев, Қ.Бадалиев, М.Мухторов, Ш.Нурхонов, Ҳ.Бақоев, Т.Мирфайзиев, Т.Чигатой, Р.Абдурахмонов, С.Файзий сингари адиблар келиб қўшилган. Жумладан, Рустам Абдурахмоновнинг ҳикоя, очерк, лавҳалари, миллий таржимонликда яратган ижодий ишлари³⁵ ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларини янада бойитди.

³² Ўзбек совет адабиёти (Қайта ишланган иккинчи нашр). -Тошкент: Ўқитувчи, 1978. -Б.40.

³³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 2- рўйхат, 450-йиғма жилд, 63-варақ.

³⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р- 2356-фонд, 2- рўйхат, 450-йиғма жилд, 82-варақ.

³⁵ Бухоро вилоят давлат архиви, 1079-фонд, 1-рўйхат, 5 -йиғма жилд, 51- варақ; 16-йиғма жилд, 17- варақ.

“Юлдуз” тахаллуси билан матбуотда қатнаша бошлаган ³⁶ Султон Жўранинг “Меҳнат кўйнида” номли илк шеъри 1928 йил “Янги йўл” журналида босилган. XX аср 30-йилларида авж олган қатағонлар оқибатида Ромитан туманида, сўнгра Андижон вилоятининг Избосган туманида, Андижон шаҳрида ўқитувчилик қилган.

Ўзбек адабиёти тарихида XX асрга қадар алоҳида ташкил қилинган адабий ташкилотлар бўлмаган. Тарихда адабий муҳит одатда Қўқон, Хоразм, Бухоро адабий муҳити сингари жуғрофий нуқтаи назардан тарифланиб келинган. Бухоро адабий муҳити вакиллари дастлаб “Чиғатой гурунги” (1919-1922)га, сўнгра «Қизил қалам» (1926-1930) жамияти, Ўзбекистон пролетар Ёзувчилар уюшмаси (1930-1932) кўринишидаги ташкилотларда иштирок қилганлар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда “Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида” қарори, сўнгра 1934 йил Москвада бўлган совет ёзувчиларининг I съезидан ³⁷ кейин ўзбек адабиётида ҳам янги давр бошланди. 1934 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, сўнгра вилоятларда ҳам адабий жараённи ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бухорода Муҳаммаджон Мухторов котиблигида уюшманинг бўлими ташкил қилинган. Ўзбекистон ёзувчиларининг I съезди (1934 йил март) ва II съезди (1939 йил апрелда) ³⁸ оралиғида асосан, ташкилий ишлар амалга оширилди.

Бухородаги Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг тараққиёт йўлида, катта ва чинакам истеъдоднинг, юқори адабий маҳоратнинг маҳсули бўлган асарларнинг кам яратилганини кўрамиз. Аксари кичик жанрдаги асарлар ёзилиб, эндигина ижод йўлига кириб келган қаламкашларнинг ишлари тез-тез матбуотда кўринди. 1935 йилдан этиборан ўқув юртлари, саноат корхоналари ва театрлар олдида 8 та адабий тўгарак бир адад семинария, 33 та колхозда ёшларнинг адабий ойлиги ташкил қилинган ³⁹. Дастлаб Бухоро туман маориф биносида жойлашган Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг 1937 йилдан этиборан Эски Бухоро шаҳридаги Регистон кўчаси “Бухоро пролетари” таҳририяти жойлашган бинога кўчган.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси иккинчи пленумида (1939 йил) берилган кўрсатмалар асосида фольклор материалларини тўплаш учун колхозчи Раҳим бобо, ишчилардан Бехати Аҳмад, Бақожон каби халқ оғзаки ижодини яхши билган шоирлар танлаб олиниб, уларнинг ижодий ишларига кўмак берилган ⁴⁰.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида йил бошидан янги йилнинг режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, Марказий уюшма томонидан тасдиқланар, турли кўрсатма ва топшириқлар олиб турилар эди. Йил охирида Ўзбекистон

³⁶ Ўзбекистон миллий архиви, Р- 2356-фонд, 2-рўйхат, 360 -йиғма жилд, 54-варақ.

³⁷ Каримов Н ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.42.

³⁸ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-йиғма жилд,13-варақ.

³⁹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-йиғма жилд,14-варақ.

⁴⁰ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-йиғма жилд,17-варақ.

ССР Ёзувчилар уюшмасига ҳисобот берилар, республиканинг амалий тадбир ва йиғинларида ўз вакиллари билан иштирок қилар эди. Бўлимнинг харажатлари учун вилоят молия бўлими йил бошида уюшманинг дастури асосида тайёрланган сметани тасдиқлаб берган ва шу асосда шаҳар молия бўлими маблағ ажратган. Жумладан, 1935 йил маҳаллий бюджетдан 10 минг (ўн минг) рубль дотация ажратилган бўлиб, бир йил давомида ҳаммаси бўлиб 8 минг (саккиз минг) рубль харажат қилинган⁴¹.

1937 йил 17 июль уюшма пленумида кўплаб адибларнинг тақдири муҳокама қилинган⁴². Қатағонлар авж олган йилларда Бухоро ёзувчилар бўлими таркибида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлган. 1937 йил 22-23 апрелда Бухоро совет ёзувчилари уюшмасининг мажлисида⁴³ Васфий вазифасидан бўшатилиб, Уюшма ишларини олиб бориш учун союзнинг секретари вазифасига ёзувчилардан Қурбон Бадалиий тайинланган.

1938 йилдаги архив ҳужжатлари ўрганилганда адибларнинг ижтимоий аҳволи оғирлиги маълум бўлади⁴⁴. Уларнинг ёзган асарлари нашр қилинмай қўлёзма ҳолатида қолиб кетган. Айрим ижодкорларнинг босмаҳонада ишлаб, унинг кичик бир хонасида бутун оиласи билан яшаганлиги улар моддий ва маиший ҳаёти аянчли бўганлигидан далолат беради.

Адиблар қатағондан қочишга уриниб, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Сталинобод (ҳозирги Душанбе) каби шаҳарларга кўчиб ўтдилар. Мирбобо Мухсинзодани 1936 йил НКВД* ҳибсга олгандан кейинги тақдири номаълум. Шоира Рано Узоқова 1939 йил Самарқандга кўчиб ўтади⁴⁵. Абдулқодир Кароматулло Бухорий Бухородан Афғонистонга, 1938 йили Хижозга йўл олди. «Саббоқ» таҳаллуси билан форсча, арабча ҳамда ўзбек тилларида ғазаллар ёзган⁴⁶. Шариф Нурхон ижод билан яширин шуғулланди. Мирза Аккос Машҳад (Эрон) шаҳридан кўним топди.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли адабий жараён, инкирозга юз тутди. Кўплаб ўзбек ижодкорлари фронтда жангларда бевосита иштирок қилиб, қўлларида қурол билан душманга қарши курашдилар. Улар орасида бухоролик С.Жўра, Б.Саидов, Ж.Қодиров, Қ.Бадалиий, Р.Абдурахмонов сингари ижодкорлар бор эди⁴⁷. Нақший, Васфий, Шариф Нурхон сингари адиблар меҳнат фронтида ҳаракатда бўлдилар. Уруш йилларида Ёзувчилар уюшмаси фаолият юритсада, Бухоро вилоят бўлими фаолияти амалда тўхтаб қолган эди.

1930-1940-йилларда Бухоро адабий муҳитида ижод мавзуси тўлиқ советлаштирилди. Адабиёт устидан партиянинг назорати ўрнатилиб, унинг

⁴¹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-йиғма жилд, 11-12-варақлар.

⁴² Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 24-йиғма жилд, 28-йиғма жилдлар.

⁴³ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 786-йиғма жилд, 3-4 варақлар.

⁴⁴ Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 32- рўйхат, 1350-йиғма жилд, 20-23 варақ.

⁴⁵ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғма жилд, 55-варақ.

⁴⁶ Жалилов С. Бухорийлар қиссаси: (Муҳожират тарихидан лавҳалар). - Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2006. -Б.174-178.

* Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги.

⁴⁷ Ахматов А. Жангчи шоир Султон Жўра // Иккинчи жаҳон уруши: халқ жасорати ва тарих сабоқлари. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари (2020 йил 27 май). -Қарши, 2020. -Б. 202.

мафкураси асосида ижод намуналари яратилди. XX аср 40-йилларидан Т.Ҳамид, Г.Сулаймонова, О.Тоғаев, Ш.Орифий, Н.Турмухаммедов, Й.Мукум, Т.Мирфайзиев, Н.Шавкатий, З.Камолов, М.Васфий, Ш.Нурхон ва бошқалар Бухоро адабий муҳитида ўз асарлари билан кўриниб турдилар. Кейинчалик А.Шерматов, Т.Жуман, П.Фаттохов, Л.Азимов, М.Қурбонов, Ш.Ражабов сингари қаламкашлар ижод майдонига кириб келди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1955 йил 21 январдаги 100-сонли қарорига мувофиқ вилоятларда Ёзувчилар уюшмасининг бўлимларини ташкил қилишга киришилди⁴⁸. 1955 йил Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг Фаттохов раҳбарлигида Фарғона вилоят бўлими, Одилов раҳбарлигида Самарқанд бўлими, Т.Ҳамидов раҳбарлигида Бухоро бўлими ташкил қилишга киришилди. 1955 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 293-сонли фармойиши билан 1955 йил 1 октябрда Бухорода Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими қайта ташкил этилди. 1955 йил 10 ноябрда бўлиб ўтган биринчи йиғилишида 50 нафардан ортиқ ижодкорлар қатнашадилар⁴⁹. Бухоро бўлимининг президиуми аъзолигига етти киши сайланган ва Ўзбек адабиёти, рус адабиёти, адабиётшунослик бўлимлари ташкил этилган. Тошпўлат Ҳамид ташаббуси билан 1957 йилда чоп этилган “Бухоро куйлайди”, “Октябрга гулдаста” номли тўпламлар нашр қилинган.

1955 йил октябрдан фаолиятини бошлаган бўлим ёш ёзувчи ва шоирлар билан ишлаш давомида бир қатор иқтисодий қийинчиликларга дуч келган. Бўлим ташкил этилгач, унинг аъзолари “Бухоро ҳақиқати” таҳририяти биноси жойлашган “Колхозчилар” кўчаси 21-уйдаги тор хонада ишлашга мажбур бўлган⁵⁰. Таҳририят вақтинча ажратган иш столи ва китоб жавонлардан фойдаланган. Қўл ёзув машинкасининг етишмаслиги материалларни лойиҳалашнинг техник томонини мураккаблаштирди ва атрофдаги ёш ижодкорларнинг хатларига узлуксиз жавоб беришни кечиктирди.

КПССнинг XX съезидан кейин ғоявий доираси янада кенгайган адабий муҳитянги характер ва образлар билан халқ ҳаётига кириб борди. М.Карим, Ғ.Шомуродов, А.Ниёзмуродов, Т.Жўраев, Н.Аминовлар⁵¹ вилоят Ёзувчилар бўлимининг котиби Тошпўлат Ҳамидов раҳбарлигида кўпгина асарлар устида иш олиб борганлар. 1960-1970 йилларда 70 дан ортиқ хаваскор ижодкорлар бўлим атрофида тўпланиб, янги асарлари устида ишлаганлар. Колхозлар, қишлоқ ҳаёти айниқса Неъмат Аминов асарларида ўз аксини топган. Ўзбек насрида беназир адиб Неъмат Аминов дастлабки ижодий фаолиятини Бухорода бошлаб, эллиқдан ортиқ шеър, хикоя, очерк, интермедия, ҳажвиялар ёзгани эътиборга лойик.

⁴⁸ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 369-йиғма жилд, 2-варақ.

⁴⁹ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 405-йиғма жилд, 78, 82-варақлар.

⁵⁰ Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 405-йиғма жилд, 84-варақ.

⁵¹ Бухоро вилоят давлат архиви, 1198-фонд, 1-рўйхат, 11-йиғма жилд, 7-варақ.

XX асрнинг 70-80-йилларида шоир ва ёзувчилардан С.Воҳидов, А.Шукуров, М.Турдиева, Р.Рўзиев, А.Мўминов, В.Эм, С.Шодиев, Д.Жабборов, Ж.Исмоилов, А.Гулов, И.Жумаев, Б.Ражабов, У.Файзий, А.Шукуровлар ўз асарлари билан элга танилдилар.

1983 йил С.Воҳидов, М.Мавлоновалар вилоятнинг махсус мукофотлари лауреатлари бўлганлар. 1983 йил С.Салимов, М.Турсунов, М.Турдиева, Т.Новичковлар Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинадилар.

Бухоро вилоятда “Нилуфар”, Шофиркон туманида “Мингчинор”, Свердлов (Жондор) туманида “Бинафша”, Бухоро туманида “Шалола”, Ромитан туманида “Баҳра”, Когон туманида “Чашма”, Олот ва Қоракўл туманларида бирлашган “Ғунча” адабий тўғараклари бўлган. Адабий тўғарак машғулотларида ёш қаламкашлар янги ёзган машқларидан намуналар ўқиб бериб, ижоддаги ютуқ ва камчиликларини ўзаро атрофлича таҳлил қилиб, бадиий ижод ва маҳорат сирларини ўргандилар.

Бухоро вилоятида 1984 йил 23-25 апрель кунлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига ўзбек адабиёти кунлари бўлиб ўтган. С.О.Азимов раҳбарлигида Т.Тўла, С.Аҳмад, Мирмуҳсин, П.Қодиров, А.Орипов, С.Кароматов, Л.Қаюмов ва бошқа таниқли шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва танқидчилар келган⁵². Ижодкорлар халқ орасида КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1984 йил апрель Пленуми қарорларини тарғиб қилдилар. Туманларда бўлиб меҳнаткашлар амалга ошираётган яратувчилик ишлари билан танишадилар, ижодий учрашувлар ўтказганлар.

